

УДК 74.9.

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИ ХУСУСИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ФИКРЛАРИ

Дж. И. Илхомов талаба

М. И. Пулатова проф.-илмий харбар

Бухоро давлат техника унверситети

Мақолада Шарқ мутафаккирларининг ёш авлод тарбияси хусусидаги фикрлари келтирилган.

В статье приводятся высказывания просветителей Востока по воспитанию молодого поколения.

The article concerns the opinions of Eastern educators on upbringing of younger generation.

Шарқ мутафаккирларининг илмий меросида таълим-тарбия масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, улар оилада фарзанд тарбиясига катта эътибор берганлар. Бирон бир мутафаккир йўқки, оилада бола тарбияси хусусида сўз юритмаган, ўзларини қимматли фикрларини бермаган бўлса.

Халқимизни бутун жаҳонга машҳур қилган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний каби мутафаккирларнинг қатор асарларида болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари ўртага қўйилган ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутаду билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойиқ”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Саъдийнинг “Бўстон”, А.Жомийнинг “Баҳористон”, А.Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Ҳайрат ул-аброр” асарлари ўзбек миллий ахлоқи, маънавияти, кадриятларини юксалтиришда катта эътиборга молик шоҳ асарлардир.

Кайковус ўзининг “Қобуснома” асарида оила ва фарзанд тарбияси хусусида тўхталиб, шундай дейди: “Энг биринчи гапда насл-насабни тоза сақламоқ, асли кадр-қимматини билмоқ инсон тарбиясининг гултожидир”.

Кайковус ота-онани дарахтга ўхшатади: “Дарахтни ҳар қанча парвариш қилсанг, меваси шунча яхшироқ ва ширинроқ бўлур. Ота-онага иззат ва ҳурматни кўп қилсанг, уларнинг дуоси шунча тез мустажоб бўлур”.

Оила ва оилада бола тарбияси мавзусини буюк мутафаккирлар Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино меросида ҳам кўришимиз мумкин.

Абу Райҳон Беруний “Ўтмишдан қолган ёдгорликлар”, «Хиндистон», «Эътиқодлар ва динлар ҳақида» каби кўпгина асарларида болаларнинг ахлоқий тарбиясига оид қимматли фикрларини ёзади. Бола табиати энг аввало оилада шаклланади. Беруний ҳам ўз замонасидаёқ Форобий каби бола тарбиясида ирсият, муҳит ва тарбия таъсирини бирдек муҳим эканлигини таъкидлаб ўтган.

Оилада бола тарбияси масаласи Абу Али ибн Синонинг илмий меросида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Унинг «Ишорат», «Донишнома», «Тиб қонунлари», «Тадбир ул-манозил» каби асарларида тарбиянинг барча шакллари оид қарашлар мавжуд. «Тадбир ул-манозил» номли асарининг катта бир боби оила ва оила тарбияси масалаларига бағишланган. «Тиб қонунлари» номли асарида болага тутилмасдан туриб соғлом бўлиши учун онанинг саломатлиги, жисмоний ва руҳий поклиги зарурлигини таъкидлаб, шахс саломатлигини сақлашни, фаолиятнинг бошқа томонлари билан бирга олиб бориш ғоясини илгари суради.

Оила ва оилавий тарбия борасида XI асрда яшаб ижод қилган машҳур мутафаккир Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутаду билиг» номли асарида кенг тўхталиб ўтилади.

Шу мавзу буюк мутафаккир Алишер Навоий меросида ҳам муҳим ўрин эгаллади. Унинг «Махбуб ул-кулуб» асарида оила ва оилада аёлларнинг ўрни ҳақида қимматли маслаҳатлар беради. «Хайрат ул-аброр» асарида инсонга хос бўлган ахлоқий сифатлар ҳақида тўхталиб ўтган.

Хулоса шуки, бола тарбияси масаласи Шарқ мутафаккирларининг адабий-бадий меросида бош мавзуларидан бири ҳисобланган.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизнинг янада тараққий етиришининг мустаҳкам пойдеворидир. Халқ сузи, 247 (6741) – сони 2017 й.
2. Маматов О.О. Ватанпарварлик – миллий истиқлол мафқурасининг муҳим тарқибий қисми. Тошкент – 2001 й.
3. Қуронов М. Миллий тарбия ва ёшлар. «Камалак» нашриёти, Тошкент, 2016 й.
4. К. Камолова. Юксак маънавият ва имон бутунлиги учун кураш-давр талаби. Тошкент, «Камалак» нашриёти, 2016 й.